

Mustahkam oila – yurt tayanchi

OILA DAVTRASIDA

No 25 (371)
2019 - yil
20 - iyun
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



МАКТАВ

ҚАБУЛ ПУЛЛИК!

НОМДОР МАКТАБЛАРГА ҚАБУЛ ПУЛЛИК БЎЛАДИМИ?

— Шошма! Шошма!
Ҳали бу қарор
бекор бўлиб қолади,
шекилли...

4-5-бет



«ЎН БЕШ СУТКА»

олган оталар

2-бет

Бола онгига ҚАРАТИЛГАН ЎҚ

3-бет



ИСРОФ

Ерга тўкилган
ўрик,
қиммат туршак

6-бет

ИМТИҲОНСИЗ

ҳам талаба
бўласиз

7-бет

ТИРИК ЭКАНИНГИЗНИ

тасдиқлаш шарт
эмас

7-бет

Эзгуликнинг УМРИ мангу

8-бет



uzkitob.uz


«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

Энг улуғ мўъжиза

**Инсоният яратган энг улуғ мўъжиза бу – китоб.
Китоб орқали тарихни, қадим маданиятни
билдик, билимимиз, дунёқарашимиз шаклланди.
Бугунги кунга келиб эса тараққиётни китобсиз
тасаввур қилиб бўлмайди.**



Ота-боболаримиздан бизга етиб келган эртактар, ривоят, мақол ва дostonларда китоб доим муқаддас нарсалар қаторига киритилган. Китоб нон каби қадрланган. Ўтган асрлар ҳаётотлиги ниҳоятда нозик дид билан амалга оширилганки, китобларни ўқиган киши ҳам ҳаётотлик санъатидан баҳра олган.

Қадимда ўқимишли оилалар болаларини мактабларга бергач, ўқийини ҳар бир босқичи тугагандан кейин болаларига китоб совға қилганлар. Китобни асраш, ундан фойдаланишга ҳам катта эътибор беришган. Китоб махсус давхга қўйиб ўқилган. Сабаби китобни охишта варақлаб очиш кулай бўлган, қайириб очилмаган. Китоб бетлари орасига хатчўплар қўйиб белгилашган. Китобга хатотдан бошқа кишининг ёзиши ноқониз ҳисобланган. Ҳар қандай муҳтожликка тушган одам ҳам китобларини сотмаган.

Китобхонликнинг ҳам маълум аҳамияти бўлган. Кўпинча 5-6 киши бир жойга тўпланиб, бирор китобни ўқиб, муҳокама қилишганки, унинг мазмуни шу давра аҳли хотирасида бир умр сақланган. Айрим оилаларда кечки овқатдан сўнг китобхонлик ўтказилган. Оиланинг бир аъзоси китобни ифодали

ўқиган, қолганлар тинглаб, муҳокама қилиб боришган.

Хўш, бугун оилада китобни асраш ва ўқиш маданияти ҳақида ота-оналар нималарга эътибор беришлари керак? Энг аввало, ҳар бир тарбиячи ўз соҳасига оид китобларни ва уларнинг аҳволини яхши билиши, болаларнинг шу китоблардан қандай фойдаланаётганидан хабардор бўлиши лозим. Иккинчидан, болаларнинг қайси кутубхонага аъзолиги, кутубхонадан қандай китоблар олиб ўқиётганлиги, китобни қай аҳволда олин-ю қай аҳволда сақлаганлигидан хабардор бўлса яхши бўлар эди. Учинчидан, ҳар бир ота-она боласининг ёшига қараб қандай китобларни ўқиш мумкин-у қайси китобларни ўқиши унинг ёшига тўғри келмаслигини билиши даркор. Айниқса, 8-9-синф ўқувчиларининг ота-оналари болалари қандай китобларни ўқиётганлигидан мунтазам хабардор бўлишлари керак. 13-15 ёшли болаларга саргузашт асарларни ўқишни тавсия қилиш керак. Бундай асарлар болалар онгини ўстиришга, ўзига ишонч руҳини тарбиялашга ёрдам беради. Шунингдек, ўзбек халқ оғзаки ижоди дурдоналари – дostonларни ўқиш боланинг тафаккури кенгайишида ниҳоятда муҳим. Чунки

дostonларда ахлоқ, меҳнат, ватанпарварлик тарбияси асосий ўрин тутди. **Ҳозирги давримизда телевизор, қўл телефони ва компьютерга вақт-вақти билан дам бериб, болаларимиз ўқиган китоблардаги бадиий тасвирларни улар оғзидан эшитиш фойдадан холи эмас.**

Ота-боболаримизнинг яна бир яхши одатларини қайта тиклаш даври келди. Яъни, болаларимизнинг туғилган кунларида, узоқ сафарларга бориб келганимизда, байрамларда уларга бирор кийим совға қилишга ўрганганмиз. Кийимни ҳамма вақт олиб бериш бурчимиз. Болаларимиз эслайдиган кунларда уларга китоб совға қилсак, уларда китобга нисбатан меҳр уйғотган бўламиз, чунки болалар ҳар бир совгани қадрлаб асрашади. Китобни севинишдаги, авайлаб ўқишдаги болаларга кўрсатилган энг ишончли таъсир ўзимиз ўрнатқан бўлишимиздир. Умуман, болаларнинг китобга меҳрини уйғотишда ота-оналарнинг ўрни мактабга нисбатан ҳам салмоқли эканини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Инобат ҲАМРОЕВА,
Бухоро вилояти
АКМ сектори мудир

ИҚТИБОС:

Эркин ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон Бош прокурори ўринбосари:

«Ўлим жазоси ечим эмас. Коррупция учун ўлим жазоси қўллаш – Хитойнинг ички иши. Бизда инсонпарварлик тамойили бор.

Конунчилигимизда илгари ўлим жазоси қўллаш бор эди, конунларни қўллашнинг узоқ йиллик тажрибасидан келиб чиқиб, бундай қаттиққўллимиз шахсни қайта тарбиялашда самара бермаган, айрим ҳолатларда инсон ҳуқуқларини тузатиб бўлмайдиган даражада поймол этилишига ҳам олиб келгани учун бу амалиётдан воз кечилган, конунчилигимиз бу йўлдан орқага қайтмайди».



НАФАҚАТ УНДИРЯПМИЗ, ЯРАШТИРЯПМИЗ ҲАМ

12 нафар отага нима учун «ўн беш сутка» берилди?

«Бугун жамият ҳаётидаги ўткир муаммолардан бири – оилавий ажралишлар экани шубҳасиз. Хўш, бу муаммога қарши курашиш, бутунлай бартараф этиб бўлмас-да, олдини олиш учун нима қилиш керак? Оилалар бузилишига сабаб бўлаётган энг асосий иллатни бартараф этиш, жамият таянчи ҳисобланган оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш қандай омилларга боғлиқ? Қандай йўл тўтасак, ҳонадонимиз тинч-тотув бўлади, фарзандларимиз кўзлари қувончдан порлайди? Бунинг учун нималарга амал қилиш лозим?»

Оила тинчлиги мустаҳкам имон-эътиқод, миллий қадриятларимизга содиқлик, бир-бирини тушуниш каби ҳислатларга асосланади. Ота-болаларимиз борида шукр, йўғига сабр қилиб яшаган. Ҳозир кўп ёшлар борида қоникмайди. Агар рўзгорда озроқ етишмовчилик бўлиб қолса, дод-фарёд солиб ҳаётдан нолийди. Аслида ота-боболаримиз биздек фаровон, қулай, тўқин-сочин турмушга эга бўлмасалар-да, қаноат қилишган.

Яна бир жиҳатни эслатиб ўтиш лозим: баъзи ёшлар одоб-ахлоқ, имон-эътиқодга нисбатан «эскилик саркити» деб қараб, ўзларича хорижий маданиятга тақлид қилишлари жуда ачинарлидир. Ёшларни катта ҳаётга тайёрлаб бориш керак бўлсада, афсуски, кўпчилик ота-оналар мебель, гилам ва шунга ўхшаш моддий нарсаларга бор эътиборини қаратиб, асосий вазифани:

қизни турмушга тайёрлаш, йиғитни ҳақиқий ватанпарвар эркак, мард, жасур оила бошлиғи қилиб тарбиялашни унутиб қўймоқда. Оилалар бузилишига мана шу нарса асосий сабаб, десак хато бўлмайди.

Оила қураётган йиғитга «хотиннинг ҳақи нима», «аёлга қандай муомала қилиш керак» ва шунга ўхшаш масалаларни пухта ўргатиш лозим. Аке холда арзимас жанжал билан боши берк кўчага кириб қолиши мумкин.

Турмушга чиқаётган қизга эрининг ҳақ-ҳуқуқларини, турмуш ўртоғига, қайнота-қайнонасига қандай муомала қилиш, фарзанд тарбиялаш, рўзгор юритиш пухта ўргатилиши лозим. Ёшларни мол-дунёга ружу қўйишдан асраш, уларга ҳаётда юқори мақсадлар билан яшанини ўргатиш талаб этилади. Мухими, фарзандларимизга сабр-бўлишни, қаноатни ўргатиши-

миз, таълим-тарбияни шу асосда ташкил этишимиз зарур бўлади.

Албатта, оилалар тинч бўлишида қайнота-қайнонанинг ўрни катта. Ёшлар бирон хатога йўл қўйишса уларни тўғри йўлга солиш биринчи галда қайнота-қайнонанинг вазифаси саналади. Афсуски нафақат буни унутиб қўйган, аксинча, фарзандлар онгини турли гап-сўзлар билан захарлаб, уларнинг оиласи бузилишига сабабчи бўлаётган қайноналар борлиги жуда ҳам ачинарли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-модда-сида «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар...» дейилган. Лекин, баъзида бурчларимизни ҳам унутиб қўймоқдамиз.

Жумладан, Мажбурий ижро бюроси Олот туман бўлимида 2019 йил беш ой давомида бо-

Ислоҳот

Фуқарога ер берилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Унда таъкидланишича, «қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар, шунингдек, лами ва ўрмон фонди ерлари – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига; яйлов, бўз, кўп йиллик дарахтзорлар ва бошқа ерлар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган инвесторларга берилади».

Саноат

«Ҳалол» ўзимизда ташкил этилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти ҳузурида маҳсулот ва хизматларни халқоро сертификатлаштириш мақсадида «Ҳалол» миллий сертификатлаштириш идораси ташкил этилади.

Ўзбекистонда Ислоом мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти дастури ва тартиб-қоидалари ратификация қилинган. Мамлакатимиз Ислоом мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти ташкилотига 2019 йилдан тўлақонли аъзо бўлди.

«Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштириш тизимини мамлакатимизда жорий қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг тегишли хулосаси олинган.

Ушбу идорага бошланғич босқичда экспортга жўнатилаётган маҳсулотлар учун хизмат фаолияти юритиш, кейинги босқичда эса ички бозорга ҳам татбиқ этиш чоралари юқлатилган.

Нусрат ТАНГРИЕВ,
МИБ Бухоро вилояти Олот
туман бўлими давлат ишқорчиси

Болалар онгига қаратилган ўқ

ёхуд зиё кўринишида кириб келаётган хавфдан хабарингиз борми?

Қизига уйланмоқчи бўлган ота ҳақида нима дейсиз? Ёхуд фирибгарлик, алдов, кўзбўямачилик билан бахт-саодатга эришиш хусусида-чи? Бошқаларни хонавайрон қилиб, уриштириб, фитна чиқариш инсон учун ҳузур-ҳаловат манбаига айланиши мумкинми?

Худди шундай ғоялар ими-жи-мида коғозга ўраб, болажонлар онг-тафаккурини киритиш учун эртақ китоблари шаклида тақдим этилишига нима дейсиз? Бу каби эртақларнинг ғоявий, тарбиявий жиҳатларига қанчалик эътибор қаратилади?

Афсуски, бу масалага нашриётлардаги эътибор жиддий дея олмаймиз. Айниқса, ўзбек халқ эртақларида бу муаммо яққол кўриниб туради. «Болажонлар учун» рукни остида нашр қилинаётган эртақларнинг аксариятида менталитетимизга мос келмайдиган эпизодлар, сюжетлар, қахрамонлар, диологлар ва бошқа салбий жиҳатларни кўриб беихтиёр ёқа ушлайсиз. Мақсад болалар тарбиясини ёки болалар бахона бизнес қилишими?

Тузувчилар эртақлар сонини кўпайтиришни ўйлаб, у ёқ-бу ёғини ўзгартириб, янги «эртақ» яратиш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Бу эса эртақларнинг зерикарли, сийқаси чиққан, болалар тарбиясига тўғри келмайдиган эпизодларга тўлиб кетишига олиб келмоқда.

Бошқа соҳаларда фақат даромаднинг ўйлаш қанчалик муҳим, билмадиган-у, аммо эртақ китобларини фақатгина даромад манбаига айлантириш мамлакат ва халқнинг келажакга урилган бўла, десак янглишимизга бўламади. Бу борада кўп нарса нашриётларга боғлиқ. У ерда ишлаётган муҳаррирлар ҳар қандай китобни нашр учун қабул қилавермаслиги лозим. Афсуски, бу муаммо, десарли, барча нашриётларда мавжуд.

Қаёққа қараяписиз, ўртоқ муҳаррир?

Эртақ китоблари учун ҳам синчков мутахасссининг ҳолис баҳоси – тақриз ўта муҳим ҳисобланади. Улар эртақларнинг миллий, ғоявий, тарбиявий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишлари шарт.

Мисол сифатида «O'bekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриётига (кейинги ўринларда «ЎЗМЭ ДИН» деб юритилади) 2018 йилда келган бир неча эртақ китобларни миллий, ғоявий, тарбиявий жиҳатдан таҳлил қилиб кўрамиз.

«ЎЗМЭ ДИН»га 2018 йилда мурожаат қилган «Канизак киз», «Ақли киз», «Сусамбил», «Кўёш ерининг пахлавони», «Бўри билан мерган», «Қирқ ёлгон», «Олмоқ ботир», «Дунёда йўқ хунар», «Олтин балиқ» сарлавхали китобларнинг тўпловчилари бўлмиш Зилола Аскаралыева

ҳамда Маҳбуба Ҳамдамованинг мазкур китоблари нашриёт жамоаси томонидан қайта ишланиб, нашрга тайёрланмоқда. Бу тўпламларга кирган кўплаб эртақлар нашрга яроқсиз деб топилди ва тузувчи билан келишган ҳолда китобдан чиқариб ташлашга қарор қилинди. Келинг, мазкур китобларга кирган эртақлар мисолида мавзунини бироз таҳлил қилишга уриниб кўрайлик.

«Дунёда йўқ хунар» китобидаги «Опа-ука» эртагида чолкампи болалари кўплиги учун уларга овқат етказолмай сарсон яшашиди. Бир кун ишдан кечикиб келган чол болаларни овқатини бир томчи ҳам қолдирмай ичиб қўйганини кўриб, жаҳли чиққанидан уларни бир тоққа олиб бориб адаштириб келади...

Энди бир неча боласини шафқатсизларча адаштириб келаётган ўзбек отасини тасаввур қилинг. Уларни тириклай ўлимга ҳукм этишга рози бўлиб уйда бемалол ўтирган онаизорни ҳам бир кўз олдингизга келтиринг. Шу нарса халқимиз характерида тўғри келадими? (Тўғри, ҳаётда ўз фарзандини сотиб ёки ўлдириб юбораётганлар ҳам учраши мумкин. Лекин буларни болалар учун эртақ тарзида эълон қилиниши қанчалик тўғри бўлади?) Вақтида бир майзини бўлишиб еган, қийинчиликларга, очарчиликларга сабр қилган аждодларимизнинг тутуми шунақами? Шуни тузувчи хис қилмаганми?

Бундай эпизодлар ҳаёт ҳақиқати, ўзбек менталитетига, характерида зид бўлиши билан бирга, болалар орасида тарғиб қилинадиган ҳолатлар эмас. Уларнинг ҳеч қандай тарбиявий аҳамияти йўқ, аксинча, болаларнинг онгига салбий таъсир қилиши очик-ойдин кўриниб турибди. Бу эртақни ўқиган болажоннинг ҳаёлига нималар келмайди дейсиз? Ҳали энди-энди эсини таниётган болакайларимиз: «Хи, демак, меням ота-онам ташлаб келиши мумкин экан-да», деган хавотир билан яшамаслигига ким қафолат бера олади?

Қизига ошиқ ота

Бола – мисоли оқ коғоз, унга яхши сўз ёзилса, яхши, ёмон сўз битилса, аксинча бўлади. Ўзбек халқ эртақлари рукни остида бундай тўқималарнинг берилиши ўзини ҳурмат қилган ҳар бир муҳаррир, нашриёт ходими, қолаверса, ота-онани бефарқ қолдирмаслиги зарур.

Китобни нашрга тайёрлаш жараёнида мазкур эртақ китобдан олиб ташланди. Лекин баъзи



ҳолларда сон кетидан қувиш, болаларни эмас, кўпроқ гонорарни ўйлаш, ўз ишига масъулиятсизлик билан қараш бундай эртақлар савдо расталаридан ўрин олишига сабаб бўляпти.

«Канизак ва подшо» китобидаги «Зулм ва қасос» эртагида эса ўз қизига уйланмоқчи бўлган подшо ва кейинчалик отасидан қасос олган қиз ҳақида гап боради.

Қиз уйдан қочиб кетади ва юриб-юриб бир мамлакатга бориб қолади. Бахтига, ўша мамлакат шахзодасининг унга ишқи тушади. Улар турмуш қуришади. Замоннинг зайли билан подшо бор-будидан айрилиб, қаландар гадо ҳолига тушиб, ўз кизи малика бўлган юртда сарсон-саргардонликка маҳкум бўлади...

Бу эртақнинг сюжети рус халқ эртақларидан шундайгина кўчириб олинган. Энди ўйлаб кўрайлик: қайси ўзбек отаси бундай жирканч иш ҳақида ҳатто ўйлаб кўра олади?! Бу каби эпизодларнинг ўзбек халқ эртақлари рукни остида берилиши, шубҳасиз, бизнинг менталитетимизга, болаларимиз онгига билиб-билмай қилинган ҳужум эмасми?

«Канизак ва подшо» китобининг яна бир эртаги – «Ахмоқ жўралар» ҳам болаларга ҳеч қайси тарафлама сабоқ бўла олмайди, қайтага уларнинг ҳулқига салбий таъсир кўрсатади, ёлгонни, фириб беришни, найрангбозликни ўргатади.

Эртақлар бераётган «таълим»

Эртақлар замирида яхшилик, бағрикенглик, хокисорлик каби юксак ғоялар ётиши керак. Бошқача айтганда, эртақлар ўқувчинини яхшиликка етаклаши шарт. Айниқса, ўзбек халқ эртақлари миллийлигимиздан, кадриятларимиздан, аъналаримиздан, бий тарихимиздан ва муқаддас динимиз таълимотларидан озика

овчидан сичқонга, сичқондан мушукка, мушукдан кучукка, кучукдан болалардан, болалардан момога, момодан шамолга шикоят қилади. Шамолдан бошқа ҳеч ким унинг мақрига учмайди.

Тузувчи мазкур эртақнинг охирини қиройли яқунласа бўларди. Яъни, чивинбойнинг барча қилган ёмонликлари халқаси айланиб келиб ўзига тегса ва бундан ибратланиб, қилган ишдан пушаймон бўлса, эртақдан тарбиявий хулоса ясалса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ғояси бузуқ эртақлар мазкур уч китоб – «Дунёда йўқ хунар», «Канизак ва подшо», «Олтин балиқ»нинг ўзида уч-тўртталаб учрайди. Уларнинг ҳар бирдан юқорида мисол келтирилган тарбиявий ўхшаган эртақлар чиқариб ташланди ва китоблар ихчамлаштирилди.

Таҳрир – маънавий божхонаси

Қайси нашриёт эртақ китоблар босиб чиқараётган бўлса, уларнинг бир қанчасида юқоридаги камчиликлар учрайди. Бунинг илдизи эса, асосан, даромад учун, шошилиб, бепарво ишлаш, кўчирмачилик, кўр-кўрона тақлид, малакали ходимларнинг етисмаслигига бориб тақалади.

Эртақларнинг охирида болажонларга воқеалар мағзини чақишга ёрдам берадиган хулосавий изохлар – «қиссадан ҳисса»лар киритилса, янаям яхши бўларди. Асл ўзбек халқ эртақларида бу қисмлар мавжуд бўлиб, эртақда мисоли эпизод вазифасини бажаради. «Қиссадан ҳисса»ларнинг киритилиши учун эса эртақларнинг гоёси мукамал бўлиши, эртақ қисмлари эса шу гоё атрофида бирлаштирилиши лозим.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ҳам болалар адабиётига оид нашрларда, жумладан эртақларда, албатта, тақриз бўлиши шартлиги масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Агентлик тасарруфидаги барча нашриёт ходимларига бу масалага жиддий эътибор бериш вазифаси юклатилди. Бу эса давлат томонидан болалар ва уларнинг тарбиясига берилаётган эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Шундан келиб чиқиб, болалар адабиёти билан боғлиқ барча нашриётлар тақриз масаласига катта эътибор қаратиши зарур.

Бунинг учун эса муаллифлар ва муҳаррирлар илм аҳли билан ҳамкорликда иш юритиши лозим. Илм-фундан арбоблари, таникли ёзувчи-шоирлардан тақриз олиш биринчи ўринга чиқishi лозим.

Эртақ китобларини чоп этиш – ўта масъулиятли, мураккаб, эътибор талаб қиладиган, айна пайтда хайрли иш. Чунки эртақ китоблар болажонларимиз онгу шуурига катта таъсир кўрсатади. Бу таъсирнинг ижобий ёки салбий бўлиши эса муаллиф, муҳаррир, олимлар ва зиёлиларга боғлиқ.

Ойбек ХАЙДАРОВ

ПОЙТАХТДАГИ «ПРЕСТИЖНЬИ» ҚАБУЛ – ПУЛЛИКМИ

Сўнги кунларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 7 июнда қабул қилинган «Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги 469-сонли қарори жамоатчиликнинг қизғин муҳокамаларига сабаб бўлмоқда.



Абдурашид АБДУҚОДИРОВ

Расул КУШЕРБАЕВ

Хукумат қароридан ҳозирча Тошкент шаҳридаги 81 та номдор мактабларга, кейинчалик вилоятлардаги шундай мактабларга қабул квотаси асосий ва қўшимча квота турларига ажратилади.

Қўшимча квота — умумтаълим муассасаларининг имкониятидан келиб чиқиб, микроҳудуддан ташқарида истиқомат қилаётган мактаб ёшидаги, микроҳудуд ва микроҳудуддан ташқари мактаб ёшига етмаган (тегишли йилнинг 1 сентябрига қадар 6 ёшга тўладиган), шунингдек, умумтаълим муассасаларида таълим бериш тили бўйича бошланғич билим (мулоқот қилиш) кўникмасига эга бўлмаган болалар учун ажратилади. Қўшимча квота учун энг кам иш ҳақининг 10 барабаридан кам бўлмаган миқдорда бир марталик тўлов тўланади. Яъни ота-она фарзандини ўз микроҳудудидаги эмас, бошқа ерда жойлашган мактабда ўқийгани истаса, ана шу миқдордаги пулни тўлайди.

Бу кўпчилик юртдошларимизда норозилик туғдирди. Аввалгига Халқ таълими вазирлиги ушбу қарор Тошкент шаҳридаги номдор мактабларга қабул қилишдаги бир қатор салбий ҳолатлар — коррупция, таниш-билишчилик каби иллатларнинг олдини олишга қаратилгани билан изоҳлади. Аммо масала моҳиятига чуқур кириб борилгани сари мазкур қарорнинг «плюс» ва «минус»лари анча-мунча экани кўришиб қолди.

Депутатлар фикри: »

Мактабларга пуллик қабулларни жорий қилиш Конституцияга зид!

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Абдурашид АБДУҚОДИРОВ ва Расул КУШЕРБАЕВнинг www.uz.uz сайтида эълон қилинган мақоласида жумладан шундай дейилади:

«...Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори юзасидан кўплай юртдошларимиз, сайловчиларимиз ўзларининг эътирозларини билдириб, бу масалада ёрдам сўраб мурожаат қилмоқдалар.

Хўш, ушбу қарорда нималар кўзда тутилган ва эътирозларга нималар сабаб бўлди?

Аввало, ушбу қарорда 2019/2020 ўқув йили учун болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш 2019 йил 20 июндан бошлаб Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали босқичма-босқич жорий этилиши назарда тутилган.

Биринчи эътироз: тегишли мактабга қабул қилиш фақатгина Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жорий этилиши назарда тутилган. Кўпчилик аҳолининг яшаш манзили эса Давлат хизматлари маркази жойлашган ердан кўра ўша мактабга яқинроқ. Бирок, нега ўша мактабга яқинроқ ердаги аҳолига асосий квота бўйича ушбу таълим муассасасининг ўзига бориб тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконияти берилмапти? Бу ахир, халқнинг яқинини узок, енгиллини оғир қилиш эмасми?

Иккинчи эътироз: Мактабларга ҳудудларнинг бириктирилиши бўйича бирор бир мезонларни белгиланмасдан туриб, ҳокимликларга умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудларни тасдиқлаш ваколатини беришнинг нима кераги бор? Шундоқ ҳам, ҳокимиятларга берилган ваколатлардан ноқонуний ман-

фаатларда фойдаланилаётган ҳолатларга мисоллар етарлича эмасми? Бунинг ўрнига, таълим бериш тилини инobatта олган ҳолда тегишли таълим муассасасига энг яқин манзилда жойлашган хонадонлар ўша умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудуд деб ҳисобланишини; бунда, отаси ёки онаси I гуруҳ ногирони бўлган ҳамда етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, шунингдек, шу мактабда акаси ёки синглиси ўқиётган болалар учун устуворликни белгилаш тўғри ва адолатли эмасми?

Учинчи эътироз: Нима учун асосий квотага таълим бериш тилини инobatта олган ҳолда тегишли таълим муассасасига энг яқин манзилда жойлашган хонадонларда яшовчи болалар тўлиқ ва тўғридан-тўғри киритилмапти? Бунда бошқа тилда таълим берувчи мактабга таълим бериш тили бўйича бошланғич билим (мулоқот қилиш) кўникмасига эга бўлган болалар нега кўрсатилмаган?

Тўртинчи эътироз: Юридикачилардан келиб чиқиб, нима учун 6 ёшга тўлган, бироқ, тегишли йилнинг 31 декабрига қадар 7 ёшга тўлмаган болаларни асосий квота асосида бепул асосда қабул қилиниши назарда тутилмаган? Бу ёшдаги болаларни асосий квота асосида қабул қилинмаслиги ҳамда уларни фақат маълум миқдордаги пул эвазига қўшимча квота асосида қабул қилиниши амалдаги Конституциямиз ва қонун нормасига зидку! Қолаверса, ушбу регламентдаги белгиланган бу каби қоидалар, умумий ўрта таълим тўғрисидаги низом талабларига ҳам мос келмайдими?

Бешинчи эътироз: Нега, тегишли умумтаълим муассасасига йўланмага эга ва боланинг соғлиғи тўғрисида тиббий маълумотномада ўқишга тавсия этилган тиббий хулоса мавжуд бўлганда (соғлом эканлиги кўрсатилганда) болани тегишли умумтаълим муассасасига қабул қилиниши шарт эканлиги ва ҳеч қандай асосда бундай болаларни мактабга қабул қилиниши рад этиш мумкин эмаслиги кўрсатиб қўйилмаган? Бу каби мажбурият белгиланмаганлигидан таъмагирлик мақсадда фойдаланилганлар топилмайдими, ахир?

умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудуд деб ҳисобланиши; бунда, отаси ёки онаси I гуруҳ ногирони бўлган ҳамда етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, шунингдек, шу мактабда оиланинг бошқа фарзандлари ўқиётган болалар учун устуворликни белгилаш;

Олтинчи эътироз: Тошкент шаҳрида тўлов эвазига бир қатор мактабларга қабул қилиниши белгиланган бу тартиб жамиятимизда аҳолини бой ва камбағалга ажратишнинг ҳукумат хужжати билан қўллаб-қувватланган ошқора кўринишига олиб келмайдими? Умумий таълимнинг бепул эканлиги бўйича мавжуд конституциявий принципга ва конституциявий ҳуқуққа путур етказибгина қолмай, жамиятимизни кучли табақлаштирилишига олиб келмайдими?

БУ ТАРТИБ КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЭМАС, БАЛКИ, КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ҚўЙИБ КЕЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МАСЪУЛЛАРИНИНГ ЎТМИШДАГИ ИШИНИ БЕРКИТИШ ВА ҚОНУНИЙЛАШТИРИШ ДЕГАННИКУ! АСЛИДА, БУНГА ЙЎЛ ҚўЙГАНЛАР ҚОНУН ОЛДИДА ЖАВОБ БЕРИШЛАРИ КЕРАК!

Хулоса ўрнида: тегишли йилнинг 1 сентябрига қадар 6 ёшга тўладиган ҳамда боланинг соғлиғи тўғрисида тиббий маълумотномада ўқишга тавсия этилган тиббий хулоса мавжуд бўлган барча болаларни тегишли мактабга қабул қилишда аҳолига асосий квота бўйича тўғридан-тўғри тегишли таълим муассасасига мурожаат қилиш имконияти бериш; Таълим бериш тилини инobatта олган ҳолда тегишли таълим муассасасига энг яқин манзилда жойлашган хонадонлар ўша


умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудуд деб ҳисобланиши; бунда, отаси ёки онаси I гуруҳ ногирони бўлган ҳамда етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, шунингдек, шу мактабда оиланинг бошқа фарзандлари ўқиётган болалар учун устуворликни белгилаш;

Бошқа тилда таълим берувчи мактабга таълим бериш тили бўйича бошланғич билим (мулоқот қилиш) кўникмасига эга бўлган болалар асосий квотани ташкил этиб, бунда, тегишли таълим муассасасига энг яқин манзилдаги хонадон фарзандларига, отаси ёки онаси I гуруҳ ногирони бўлган ҳамда етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, шунингдек, шу мактабда оиланинг бошқа фарзанди ўқиётган болалар учун устуворликни белгилаш; Қўшимча квота бўйича умумтаълим муассасаларига қабул қилиш учун микроҳудуддан ташқарида истиқомат қилаётган ҳамда тегишли йилнинг 1 сентябрига қадар 6 ёшга тўладиган ҳамда боланинг соғлиғи тўғрисида тиббий маълумотномада ўқишга тавсия этилган тиббий хулоса мавжуд бўлган барча болаларни тегишли умумтаълим муассасаларига 15 августга қадар келиб тушган аризалар асосида рўйхатини шакллантириш; бунда, синфлардаги ўқувчилар сонини 35 тадан ошиб кетишига, икки сменадан ортик сменада машғулотлар олиб борилишига йўл қўймадан (кейинчалик бундай мактаблар учун қўшимча бинолар қуришни назарда тутган ҳолда), зарур ҳолларда тегишли молия бўлимлари орқали янги ташкил этиладиган синфлар бўйича молиялаштириш ишларини ҳал этган ҳолда қўшимча қабулни 31 августга қадар қиynoлаш. Бунда, болаларнинг яшаш манзиллини тегишли мактабга қанчалик яқинлигига ҳамда устуворлик ҳуқуқига қатъий амал қилиниши шарт. Қўшимча квота бўйича умумтаълим муассасаларига қабул қилиниши тўлиқ бепул асосда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди».

МАКТАБЛАРГА ЎКИ БУПУЛ?



Шерзод ШЕРМАТОВ



Вазир фикри:

Айни пайтда мактабларга пуллик қабул ҳақида ҳеч қандай гап йўқ!

Қуни кеча халқ таълими вазири ўзининг фейсбук ижтимоий тармоқдаги саҳифасида ушбу масала юзасидан пост қолдирди. Жумладан, унда шундай дейилади:

«...Тошкентдаги 81 та мактабнинг биринчи синфига қабул жараёнининг янги тизimini жорий этишнинг ижобий тарафлари қолиб, баъзилар «қабул пуллик бўлди» деб нотўғри талқинга ўтиб кетди. Натijaда, «хукумат мактабларга пул ажратмайпти», «аҳолидан пул йиғишга ўтиб кетилапти» ва х.к. каби нотўғри изоҳлар кўпайиб кетганига ушбу масалага бироз ойдинлик киритиб қўйишни мақсадга мувофиқ деб ўйладим.

Биринчидан, Учтепа туманидаги 50 йилдан бери капитал таъмир қилинмаган, қувватидан деярли 3 баробар кўп ўқувчи ўқиётган мактабга Президентимиз ташриф буюрганларидан кейин Тошкент шаҳридаги мактаблар аҳолини тубдан яхшилаш бўйича топшириқ берган эдилар. Натijaда, шу икки йил давомида Тошкент шаҳридаги мактаблар аҳолини яхшилаш учун қўшимча 800 млрд. ажратилган бўлди. Ҳозир тегишли қарор лойиҳаси тайёрланапти. Ўзбекистон муस्ताқилликка эришгандан бери, бу биринчи мартаба Тошкентдаги мактабларга шунча катта миқдордаги қўшимча маблағ ажратилиши. Натijaда бошқа мактаблардаги моддий техник аҳвол ҳам анчагина яхшиланиши кутиляпти. Бу аҳолиси ўсиб бораётган пойтахтимиз учун жуда керак (янги тизим ва танқид асосан Тошкент шаҳрида боғлиқ бўлаганига фақат Тошкент шаҳридаги маблағларни ёздим, бошқа ҳудудларда ҳам анчагина қўшимча маблағлар ажратилмоқда).

Иккинчидан, «престижний» деб шу пайт-

гача айтилаётган мактабларда таълим сифати зўр дегани эмас. Синфда 40-50 нафар ўқувчи бўлса, уларни орасида таълим тилини билмайдиганлари тушунмай ўтирса қандай сифат бўлсин?

Оддий мисол, яқинда ўтказилган республика олимпиадаси ғолибларининг атиги 9 фоизи ушбу мактабларга тўғри келаяпти (22 нафар ғолибдан 2 таси ушбу мактабларда ўқиган). Ваҳоланки Тошкентдаги ўқувчиларнинг деярли 43,4 фоизи шу мактабларга тўғри келади. (аслида 81 та мактаб Тошкентдаги мактаблар сонининг атиги 26 фоизини ташкил этади, яъни шаҳарнинг 26 фоиз мактабида 43 фоиз ўқувчи ўқияпти!) Шунга бошқа мактабларда таълим сифати ёмон деган илдоа умуман ҳақиқатга тўғри келмайди. Ишлаб чиқилаётган таълим сифатини объектнинг баҳолаш бўйича янги тизим жорий этилсагина қайси мактабда таълим сифати юқори эканлиги аниқ бўлади.

Учинчидан, қарор чиккани билан унинг ижро механизми, тегишли дастурий махсуслотлари ишлаб чиқишга ва уни тўғри ишлашни текширишга, айниқса тўлов билан боғлиқ тизимларга, қанчадир вақт кетади, шунга ҳозир фақат бепул қабул амалга оширилади.

Шунинг учун айни пайтда мактабларга пуллик қабул ҳақида ҳеч қандай гап йўқ! Шу сабабли ортиқча эҳтиросга берилмаслики, «престижний» мактабга болангизни жойлаштириш учун таниш-билиш ёки пул қидирмаслиқни тавсия этаман.

Бирон бир тушунмовчилик бўлса, уни мактаб маъмурияти ёки туман таълим бўлими вакиллари билан маслаҳатлашиб ҳал қилишга ҳаракат қилган маъқул.

Хулоса ўрнида

Кеча Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги анжуманлар залида Халқ таълими вазири раҳбарияти, жумладан вазир Шерзод Шерматов, соҳа мутахассислари ОАВ вакиллари билан очик мулоқот ўтказди. Мулоқотда ҳукуматнинг болаларни давлат умумтаълим муассасаларига қабул қилиш бўйича қарори мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари тўғрисида маълумот берилди. Вазирлик мутасаддилари журналистлар саволларига жавоб қайтарди.

Очик мулоқотда Шерзод Шерматовдан ўз феисбук саҳифасида эълон қилган пости ҳукуматнинг юқорида айтилган қарори бекор қилинганини аниқлаштири

ёки йўқлиги тўғрисида саволлар берилди.

Вазир Шерзод Шерматов мазкур саволга аниқ жавоб бермади.

Мулоқотда журналистлар томонидан қарордаги қўшимча квотанинг пуллик бўлиши Конституциямизга зид эмасми, деган мазмунда савол берилди.

Вазир Конституциямизга зид эмас, дея катъий жавоб берди.

«Бу ерда ҳеч кимнинг ҳуқуқи бузилмаяпти. Қўшимча квота пуллик бўлиб ҳеч бир бола таълимдан қолиб кетмайди. Конституцияда ҳамма боласини битта мактабга жойлаштирсин, деган гап йўқ. Мактаб ишлари давлат назоратидадир, дейилган унда», деди Шерзод Шерматов.

ГУЛХАН ЁҚИШ АНЪАНАСИ

Болаларимиз оромгоҳларда хавфсизми?

Фарзандларим билан ёзги таътилни сермазмун ўтказиш борасида ким қайси оромгоҳга бориши ва унга тайёргарлик ҳақида мириқиб суҳбатлашдик. Болалар шу баҳонада ўтган йили «легар»да кунлари қандай қувнок ўтгани-ю, шўхликлари тўғрисида тўлиб-тошиб, бир-бирига нават бермай гапириб кетишди. Уларнинг суҳбатларини тинглар эканман, лагерда қоронғу тушганда катта гулхан ёқиб, олов атрофида ўтиришгани, кейин барча чўп учига олов олиб, қувлашмачок ўйнашгани тўғрисидаги гаплари мени бирдан хушёр торттирди. Дарҳақиқат, оромгоҳларда тунда гулхан ёқиш бор гап. Бунинг ҳам гасти ўзгача. Аммо гулхан ёқиш тадбирида ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя этиладими? Барчамиз фарзандларимизни диккинафас «дом»дан озгина бўлса-да кўнгиллари ёзилсин, қувнаб келсин, дея оромгоҳларга юборамиз. Шундай экан, оромгоҳлар мутасаддилари фарзандларимиз хавфсиз ҳордиқ чиқариши учун барча чоратадбирларни кўрганми?

Ёнгин борасидаги статистика доимо кўрkinчлидир. 2019 йилнинг ўтган 4 ойн мобайнида республикамызда 2862 та ёнгин кайд этилиб, уларнинг 80,1 фоизи — аҳоли яшаш жойларида, 12 фоизи — тадбиркорлик субъектлари объектларида, 5,1 фоизи — транспорт воситаларида ва 1,8 фоизи — давлат тасарруфидаги объектларда юзага келган. Бунга оддийгина ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя этмаслик сабаб бўлмоқда. Эътибор беринг, ёнгинларнинг 80 фоиздан зиёди аҳоли қонадонларига, яъни ўзимиз, ота-онамиз, жондек фарзандларимиз яшаётган уйимизга тўғри келмоқда. Уларни олов ичида бир тасаввур қилиб кўринг? Афсуски бу реал воқеа.

Ёнгинларнинг 32,7 фоизи — электр ускуналаридан фойдаланиш қондаларининг бузилиши, 25,8 фоизи — очик оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 23,5 фоизи — иситиш қондаларининг носозлиги ёки улардан нотўғри фойдаланиш, 3,9 фоизи — транспорт воситаларидан фойдаланиш ва тузилиш қондалари бузилиши, 8,2 фоизи — болалар шўхлиги оқибатида содир бўлган.

Оромгоҳларда ҳам ёнгин хавфсизлигининг қатор қондалари мавжуд. Жумладан, ёнгинга қарши ховулар, ташки ва ички қувурлар доимий равишда сув билан таъминланган бўлиши, ҳудуд тез ёнувчи чикиндилар ҳамда қуриган ўтлардан мунтазам тазаланиб туриши лозим. Шунингдек, меъёр талаблари асосида бирламчи ёнгин ўчириш воситалари билан таъминланиши ва улар соз ҳолда туриши шарт.

Оромгоҳ барча бино ва иншоотларига, сув манбалари, ёнгин ўчириш асбоб-анжомларига олиб борувчи йўллар ҳаракатланиш учун очик, марказий электр ўчиргичлари эса бинонинг ташқарисига қўйилиши керак.

Ётоқхоналар ёнгин ёки фавқулодда ҳодисалар содир бўлганда инсонлар ва моддий бойликларни қутқариш режалари билан жиҳозланиши, ётоқхоналарнинг захира чиқиш йўлакларни, эшиклари стол, ўриндик ва шкафлар билан тўсиб қўйилмаслиги мақсадга мувофиқ.

Хоналарни тазалашда энгил алангаланувчи суюқликларни қўллаш, ётоқхоналарда, маъмурий бино, кутубхонада носоз электр мосламаларни назоратсиз қолдириш ёки вақтинчалик электр симлардан фойдаланиш тақиқланади.

Айниқса байрам кечаларида доимо йўл қўйиладиган хатотликлар мавжуд. Жумладан, хонани чиройли безаш мақсадида электр симлари устидан гулгоғозлар ёпиштириш, электр лампаларини қоғоз, мато ва бошқа ёнувчан материаллар билан ўраш умуман мумкин эмас.

Гулхан ёқиш тадбири учун ҳам алоҳида қондалар белгиланган. Гулхан ёқишга махсус тайёрланган ва бинолардан юз метр узоқликда жойлашган майдончаларда ружсат этилади. Унинг атрофи бир ярим метр кенликда чопилиши ва йитирма беш метр радиусда қуриган ўтлардан тазаланиши керак. Ушбу майдонча ҳам бирламчи ёнгин ўчириш воситалари билан таъминланади. Олов ёқиш учун тез ёнувчи суюқликларни ишлатиш тақиқланади. Дарахтзорлар яқинида ҳамда шамол эсаётганда гулхан ёқиш мумкин эмас.

Байрам кечалари болаларга олам-олам завқ бағишлайди. Аммо, бунда ҳам чегарадан чиқмаслик лозим. Махсус майдончада концерт ўтказиш чоғида мушакбозлик уюштириш, пиротехника воситаларини қўллаш, биноларда электр чиқоқларини тўлиқ, ўчириб қўйиш тақиқланади.

Одатда болаларга 17-20 ёшли етакчилар (вожатый) бириктирилади. Уларга дам олувчиларга кўз-қулоқ бўлишдан ташқари, ёнгин содир бўлган ҳолда қутқариш режасига асосан болаларни хавфсиз жойга қандай олиб чиқишни жиддий ўргатиш лозим.

Яна бир гап. Аксар ҳолларда ота-оналар ҳам оддийгина хавфсизлик қондаларига бўйсунмасликка ҳаракат қилишади. Жумладан, айримлар фарзандларини кўргани борганда оромгоҳ ҳудудига шахсий автомобиллари билан киришга ҳаракат қилади. Бу умуман мумкин эмас.

Шавкат ИБРАГИМОВ,
Юнусobod тумани
ЁХБ бошлиғи, подполковник

Хор бўлаётган



Неъматлар овози

Ерга тўқилган ўрик...
қиммат туршак

Ховлида яшайман. Махалладан ўтаётганимда кўча бошигача йўл-йўлакай тўқилган ўрикларнинг ер билан битта бўлиб ёпишиб ётгани дилми-ни хира қилади. Увол, савоб, исроф деган тушунчалар биздан қанчалар йироқлашиб кетганидан бу. Ўрикнинг эгаси бирорта кўшнисига ёки атрофдагиларга териб олиш ҳақида айтишни хаёлига ҳам келтирмайди. Ховлисида мевали дарахти йўқ кўшни эса сўрашга ор қилади, истихоло қилади. Ҳар икки томон ҳам уволга ўз «хиссасини» кўшмоқда. Баъзида бозорга тушиб туршак оламан десанг йиғирма мингдан камини кўрмайсан.

Шунда савол туғилади: **ёзда ер билан битта бўлиб тўқилиб ётадиган ўрик-туршакнинг қишда нархи нега баландлаб кетади? Нимани хор қилсанг шунга зор бўласан, деган гап ёдга тушади.**

Эътибор беринг, ўрик пишган ҳеч ким кадрига етмайди, қанча-қанчаси увол бўлади ва қишга келиб унинг ҳатто туршагига ҳам зор бўлаемиз. Энг кизиги ёзи билан увол бўлган ўрик эгалари қишда туршакнинг фалон пулга сотиб олади. Ўйлайсан, наҳотки мана шу ўрикни куриб олишининг имкони йўқ. Ҳар бир хонадон ўзлари туршак куриб олса балки бозордаги нарх-наво ҳам бунчалик кўтарилиб кетмасми, аҳоли туршакни бемалол оғринмай харид қиларми?

Исроф ва дангасалик

Ўрикни увол қилмаслик учун териб олиб куриштишга, ёки кўшнларга тарқатишга хафсаласизлик ортида аслида дангасалик ётибди. Айнан мана шу исрофгарчилик ва дангасалик ёзи билан сероб бўлган меваларнинг куритилгани қишда қимматлаб кетишига сабаб бўлади. Ноннинг ушоғи ҳам нон...

Исроф нима? Ким исрофгарчиликка йўл қўяди? Албатта, увол-савобнинг фарқи бормаган одам! Шундай оилалар бор, вақти келса буханка нонга пул тополмайди. Шундай оилалар бор фақат бирон йиғин сабаб ёлган нон сотиб олади. Ўтган йилли буханка ноннинг нархи кўтарилганда бежиз халқ кескин баҳе-мунозара қилмади.

Яқинда танишимникида меҳмонда бўлдик. Ошхонасида курилган нонларни уюб қўйибди. Айтишчига, мол-қўйларни учун Ташкентнинг «Халқлар дўстлиги» томонидаги чиқиндиларнинг бирида мана шу ташланган нонларни

йиғиб беришаркан. Уюлган нонлар орасида бутун-бутун ёғли қиммат патирлар, гўштли гижда нонлар, пархез учун тановул қилинадиган кора нонлар, турли батонлар, ширинликларни кўриб ақлингиз шошади. Уни бир одам исроф қилмагани аниқ. Айтишингиз мумкин кўп қаватли уйларда турадиган одамларнинг чорваси бўлмагач нима қилсин, деб. Аммо меъёр деган нарса бор-ку. Одам ўзининг эҳтиёжига ярашсин олиши мумкин-ку. Наҳотки, бир кунлик меъёр қанчалигини аниқлаш қийин бўлса. Ўша оилалар ота-оналар, бобо-бувалар, қайнота-қайноналар томонидан ёшларга ноннинг уволни ҳақида тушунтиришмаганми?

Ҳа, қорни тўқинг қорни оч билан нима иши бор? Ноннинг бу исрофи орқали одамларимизнинг кадр-оқибат тушунчалари ҳам сустрлигини аниқлаш қийин эмас. Танаси бошқа дард билмас,

деганларидек атрофдагиларнинг ҳаёти ундай одамларни кизиктирмаслиги аниқ. Агар кизиктирганида, кўшнисининг яшаш шароити ўйланганида эди, бугун бутун-бутун бундай нонлар чиқиндилардан жой олмас эди... Бу исрофгарчиликнинг уволни уршини қачон аниқлаб етамиз? Орамизда нафақат ёлган нон ёки патир, балки буханкага ҳам вақтида пул топа олмаётганлар борлигини унутмаслигимиз керак эмасми? Шу топ отамнинг «эртақ»лари эсимга тушади...

«Картичкани йўқотма!»

Аёл ҳар кунги гапини, доимги оҳангда яна бир бор таъкидлади: «Картичкани йўқотма!» Болакай ҳам бир парча шалвараб қолган картичкани маҳкам қисимлади. Агар шу бир парча қоғоз йўқолса, бутун оиласи нонсиз қолиб кетишини у жуда

яқши билади. Шунинг учун қоғозни қаттиқ қисимлайди.

Нонга бориш учун унга укасини қўшиб жўнатишади. Укаси нонга борганда акаси унга қоровуллик қилиб келади. Сабаб бировини нонга жўнатса, қўшимча бўлагини еб қўйиши мумкин-да(!).

Болакай узундан-узун навбатга турди. Биров битта, биров яримта, яна биров яримтадан кўпроқ нонни қўлтиклаб чиқиб йўлида давом этади. Болакайнинг ҳам навбати келиб унга ҳам тарозига тортиб нон бериши. Ўлчаган ҳамаси чикмади шекилли, сотувчи гугурт қутисидек бўлакни ноннинг устига қўйиб болакайга узатди. Улар навбатни тарқ этиб уйга йўл олишди.

– Тўхтанг, – деди унга укаси, – бирпас тўхтанг нонни менам кўтарай.

– Бугун нон олиб келиш менинг галим, эртага сен кўтарасан.

– Бўлмаса ушлаб кўрсам бўладими? Акаси болакайга нон бўлагини ушлади.

– Юмшоқ экан. Кейин хидлади, кўзларини юмди, култ этиб ютинди.

– Сиз ҳам ушлаб кўринг.

Акаси ҳам нонни ушлаб кўрди. Уям укасининг гапини такрорлади: «Юмшоқ экан».

– Устидаги бўлагидан бир тишлаб берайми, – деди ака укасига.

– Ойим билиб қолса бизни уришади-ку.

– Билдимайми. Бу бўлакни ойим билмайди-ку. Тортиб кўришга тарозиси ҳам йўқ. Ма, бир тишлай қол...

Ука нондан бир тишлаб олди. Қолган бир тишламни эса акаси озига солди.

– Ака, эртага менинг галимда ҳам шунақа қўшимчаси бўлармикан, – деди укаси ноннинг мазасини яхшироқ билмоқчидай узок чайнаганча.

– Билмадим, – деди ака ҳар доимгидай, кейин қўшиб қўйди. – Баъзида бизга тортиб бераётган нони кўп чикса, кесиб олишади, етмай қолса қўшиб беришади. Ойимга айтмайсан-а?

Укаси ҳар доимгидай бош силкиди. Шу топда иккаласининг ҳаёлида битта нарса эди: «Эртага ноннинг яна шунақа қўшимчаси бўлармикан?»

Бу отамнинг ва амакимнинг болалигидаги ҳаётлари ҳақидаги «эртақлар». Баъзан одамлардан ўтмишни, қаҳатчиликни эслайвериш шартми, деган киноларни ҳам эшитиб қоламиз. Аммо мана

шундай кунларни кадрлаш учун ўтмишни, тарихни эслаб туриш керак менимча...

Моллар учун ширин кулча...

Куни кеча қўшнимизникига чиксам, булочка яъни бир неча қоп ширин кулчаларни ажратиб қўяётган экан. Ҳар бир донаси уч минг сўмдан беш минг сўмгача нарх қўйилган бу ширин кулчаларнинг муддати ўтиб қолгани учун дўкон эгаси қопини моллар учун йиғирма мингдан сотаркан. Шунда савол туғилади. Нима учун бу булочкалар исроф бўлди? Исроф бўлишига сабаб нима? Биринчидан, ширин кулчаларнинг нархи жуда қиммат. Иккинчидан, ишлаб чиқараётган ва сотиб олаётганларнинг меъёри билмаслиги. Зеро, бир килограмм ундан ўндан ошиқ мана шундай булочка пишариш мумкин. Демак булочка ишлаб чиқарадиганлар ҳам, уни сотадиганлар ҳам қўйилган баланд нарх туфайли булочкадан зарар кўрмайди. Яна муддати ўтганини қоплаб сотишади. Тўғри, улар зарар кўрмаётган бўлиши мумкин. Аммо исроф бўлаётгани, увол қилинаётганичи? Моддий зарарнинг ўрни қопланаётгандир, аммо маънавий зарарнинг ўрничи? Мана шу исрофгарчиликни кўриб улғаяётган ёш авлод келажакда ҳеч нарсага кадрламай қўйиши, ачинарлиси, увол-савобнинг фарқи бормаи вояга етиши накадар аянчли. Ҳар бир маҳсулот арзон нархда сотилса, ҳам увол бўлмайди, ҳам одамларнинг ҳамёнига зарар етмайди. Мухими бу маҳсулотдан кўпчилик баҳраманд бўлади. Муздати ўтишига яқин қолганида текин тарқатишса ҳам савоб, ҳам увол бўлмаслигини тушуниб етиш шунчалар қийинми? Маса-лан, Швейцарияда булочка билан кофе ҳар қадамда текин тарқатилади.

Меҳрибон музлаткичлар...

Баъзи супермаркетлар олдида сахий музлаткичлар қўйилгани ҳақида эшитиб қоляймиз. Уларнинг ичига маҳсулотларни ҳомий ташкилотлар тўлдириб қўйишмоқда. Ана шундай сахий музлаткичларни боғчалар, мактаблар, дўконлар олдида қўйиб ташлаш максалда мувофиқ менимча. Ана шунда бу музлаткичларни ташкилотлар тўлдириб қўйишига қожат қолмайди. Уйда ортиб қолган егуликларни болалар чиқиндиларга эмас музлаткичларга қўйишни оммалаштиришда, аввало биз катталар намуна бўлишимиз лозим. Майлида, фарзандларимиз ўз қўли билан бир дона печенье, бир дона ширин кулча ёки ҳовлисидан бир тоғорача ҳўл мевани музлаткичларга жойлаштирсан. Айниқса, тўйлардан ортиб қоладиган ноз-неъматларни айтмайси. Ўзбекининг нимаси кўп, маърақаси кўп. Агар ҳар бир тўй қиладиган инсон тўйларда ортиб қолган неъматларни музлаткичларга жойлаштирсан борми, қанчадан қанча исрофгарчиликнинг олди олинади. Бу билан болаларда нафақат неъматларга муносабат, балки одамларга яхшилик қилиб завқланиш хиссиётлари шаклланади... Увол ва савоб деган тушунчаларни теранроқ аниқлайди...

Барно СУЛТОНОВА

Исроф йўқчиликка сабаб бўлади

Аъроф сурасининг 31-оятда шундай марҳамат қилинади: «Еб-ичинглар, аммо исроф қилманглар, чунки У Зот исроф қилувчиларни севмас».

Исрофдан бу қадар қаттиқ, кескин қайтарилшининг хикматлари бугунги кунимизда яққол намойён бўляпти. Исрофнинг даҳшатли оқибатларидан бири — қатор мамлакатларда йиллаб давом этиб келаётган очликдир. Дунёнинг бир мингтақасида тонналаб озик-овқатлар увол бўлиб, чиқиндиларга ташланаётган бир пайтда бошқа бир мингтақадиган одамлар бир бурда нонга зор, бир қултум сувга ташна бўлиб, хор-зорликда кун кечирмоқда. Ваҳоланки, инсон бир коса овқатдан, яримта нондан ортинги сая олмайди, бироқ бугунги кун одамларнинг кўзи оч бўлиб қолган. Қимдир эртага кеч ўйин-қулги, маишат билан кун кечириб, тўқликка шўҳлик қилаётган, миллиардлаб долларларни ҳавога соураётган бўлса, қимдир бир тишлам егулик топа олмай, очлик азобиди жон тақлим қиляпти.

Сўнгги йилларда, бутун дунёда ичимлик сув танқислашиб бораётган бир пайтда, биз бу неъматга анча ношукрлик билан муносабатда бўляемиз. Сувга шу қадар бепарво бўламизки, уни шу қадар исроф билан ишлатамизки, асти қўяверасиз. Бу ҳол бор неъматни кадрламаслик оқибатида юзага келади. Афсуски, инсон неъматнинг кадрига у қўлдан бой берилганда, завол топгандагина етишга ўрганиб қолган.

Аслида сув неъматига ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз кераклигини, Аллоҳ асрасин, агар Роббимиз уни биздан олиб қўйса, нималар бўлишини, курғоқчиликнинг қанчалик даҳшатли оқибат эканини ҳамма яқши билади. Биз сувни исроф қилиб юрган мана шу замонда шундай халқлар борки, бир қултум ичимлик сувга зор бўлиб яшайпти. Умуман сув йўқ жойларда яшаётган, зовурлардаги оқова сувларни ичаётган одамлар бор. Қудук қавласа, чучук сув чиқмаётган, ноилж шўр сувни ичаётганлар бор.

Биз буларни билсак, уларнинг оғир аҳволини ҳис қила олсак, бу неъматнинг қанчалик муҳимлигини аниқлаб оламиз.

Раҳматуллоҳ Сайфуддинов,
Юнусовод тумани бош имом-хатиби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу ҳақда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хабар берди.

Олий таълим:

ЯНГИЛИКЛАР, ЎЗГАРИШЛАР ВА БЎЙИЛГИ ҚАБУЛ

Киритилган қўшимчаларга мувофиқ, турк тилини чет тили сифатида ўқиган абитуриентлар ҳам мазкур тилдан кўп балли баҳо тизими бўйича имтихон топширадилар.

Эндиликда **ОТМларга ҳужжат топширишда 086-Ушакл бўйича тиббий маълумотнома талаб қилинмайди.**

Куйидагилар олий таълим муассасаларига қўшимча давлат грантлари асосида имтихонсиз ўқишга қабул қилинувчилар қаторига киритилди:

– Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхон Иброт номидаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернатни аъло баҳоларга битирган битирувчилар бакалавриятнинг хорижий тил ва адабиёт, филология ва тилларни ўқитиш йўналишларига.

– ҳар бир ҳарбий қисмдан

биттадан ёш ҳарбий хизматчи, қисм қўмондонлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти тавсияномасига асосан.

Шунингдек, киритилган қўшимчалар билан **сиртки таълимга ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.**

Кириш имтихонлари **16 августдан 25 августгача камида 3 та фандан ўтказилади.**

Ёзма имтихонлар шифрланган ҳолда текширилади.

Имтихонлар бакалаврият таълим йўналишларига мувофиқ келувчи 3 та фандан тўпланиши керак бўлган максимал 189,0 баллдан, ҳар бир фanning ўрнига қараб унинг учун ажратилган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизгача бўлган оралиқда баҳоланади.

Натижалар имтихондан кейин 1-3 кунда таълим муассасининг расмий сайтыда эълон

қилинади.

Шунингдек, магистратурага киришда куйидагилар бекор қилинди:

– магистратурага кирувчиларнинг илмий ва илмий-педагогик ишларга қобилияти ҳамда қизиқишини аниқлаш мақсадида танланган мутахассисликка мос саволлар асосида суҳбат.

– «Информатика ва ахборот технологиялари» фани бўйича синов.

– Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани бўйича синов.

Магистратурага ҳужжат топширганларнинг TOEFL бўйича камида 72 ёки IELTS бўйича камида 5,5 балл бўлганида улар

чет тилидан кириш синовиди иштирок этмайди. Илгари бу натижалар TOEFL бўйича камида 58 ва IELTS бўйича камида 5 балл бўлиши керак эди.

Ўқишни кўчириш, қайта тиклаш

Ўқишни бахорги семестрга қайта тиклаш бўйича ариза топшириш ҳар йили 15 январдан 25 январгача давом этади. Илгари 20 декабрдан кейинги йилнинг 20 январига қадар эди.

Олий таълим муассасалари учун белгиланган қабул квоталари таркибида ҳудудлар кесимида мақсадли қабул квоталари тасдиқланган таълим йўналишларига қабул қуйидаги тоифа абитуриентлар ҳисобидан амалга оширилади:

– муайян ҳудудда доимий яшайдиган (паспортдаги маълумоти бўйича).

– умумий ўрта (10-11-синфлар негизида), ўрта махсус, касб-хунар маълумоти тўғрисидаги тегишли ҳужжатга эга бўлган.

– кириш имтихонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтихон, ёзма имтихон)дан муваффақиятли ўтган.

2019/2020 ўқув йили учун ОТМларига қабул қилиш квоталари тасдиқланди

Бу йил магистрлар тайёрлаш бўйича 7 695 нафар талаба қабул қилинади.

2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди.

Қарор билан 2019/2020 ўқув йили учун ОТМларига қабул қилиш квоталари тасдиқланди.

Бакалаврлар тайёрлаш бўйича:

- **кундузги таълим:** 80 430 нафар;
- **сиртки таълим:** 19 985 нафар;
- **кечки таълим:** 1 985 нафар.

Магистрлар тайёрлаш бўйича – 7 695 нафар.

Тошкентда Москванинг ядро университети филиалига қабул

Хукуматнинг Тошкент шаҳридаги «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалига қабул тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

2019/2020 ўқув йили учун «ММФИ» (Москва муҳандислик-физика институти) миллий тадқиқот ядро университети» Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалида бакалаврларни тайёрлаш бўйича қабул квоталари 100 киши миқдорда куйидаги мутахассисликлар бўйича белгиланди:

- **Ядро энергетикаси ва иссиқлик физикаси – 25;**
- **Ядро физикаси ва технологиялари – 25;**
- **Иссиқлик энергетикаси ва иссиқлик техникаси – 25;**
- **Электрэнергетика ва электротехника – 25.**

Филиалда кадрлар тайёрлаш факат грант асосида амалга оширилади.

Зилола МУЗАФФАРОВА тайёрлади.

5 йиллик стажга эга ходимлар тест синовларисиз талабалikka қабул қилиниши мумкин

Бунда талаблар қандай?

Олий таълим муассасаларига янги ўқув йилидан бошлаб вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларининг (иш берувчилар) эхтиёжларидан келиб чиқиб, кундузги таълим шаклининг бакалаврият таълим йўналишларига мос бўлган йўналишлар доирасида табақалаштирилган тўлов-контракт асосида сиртки ва кечки таълим шаклида ўқитишни ташкил этиш ҳуқуқи берилди.

Бунда ўқишга қабул қилиш тегишли иш берувчиларнинг тавсияси асосида камида беш йил иш стажига эга бўлган ходимлар

ҳисобидан, кейинчалик ушбу тизимда беш йил ишлаб бериш шarti билан, иш фаолиятига мос бўлган бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат натижаларига асосан амалга оширилади.

Ҳужжатга кўра, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб табақалаштирилган тўлов-контракт миқдори олий таълим муассасасининг салоҳияти ва ҳудудий жойлашуви, шунингдек, абитуриентларнинг олий таълимга бўлган эхтиёжларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган тўлов-контракт қийматининг Давлат комиссияси томони-

дан белгиланган минимал бавараридан кам бўлмаган миқдорда олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгиланади.

Бунда табақалаштирилган тўлов-контракт бўйича қабул кириш синовлари натижасига кўра олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси параметрлари доирасида ўқишга тавсия этилмаган абитуриентларнинг аризаларига мувофиқ уларнинг тўплаган баллари катъий кетма-кетликка яриш этган ҳолда амалга оширилади.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

ЭНДИ МАҲАЛЛАДАН МАЪЛУМОТНОМА ТАЛАБ ҚИЛИНМАЙДИ

Фарзанди туғилганлиги муносабати билан бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тайинлашни сўраб ариза билан мурожаат қилган шахслардан яшаш жойидан маълумотнома талаб қилинмайди.

Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юришти тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги буйруқ Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Мазкур ўзгартиришларга мувофиқ, фар-

занди туғилганлиги муносабати билан бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тайинлашни сўраб ариза билан мурожаат қилган шахслардан меҳнат дафтарчасининг нусхаси ва яшаш жойидан маълумотнома талаб қилинмайди.

Шунингдек, ёшга доир пенсия ва нафақаларни, ногиронлик пенсиясини, дафн этишга бир марталик нафақа тайинлашда яшаш жойидан маълумотнома талаб қилинмайди.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш йиғмажилдида Ўлим тўғрисида гувоҳноманинг асли ўрнига нусхаси тақдим этилади.

БИЛАСИЗМИ?

ГАРАЖ ЎРНИДА БЕПУЛ ЖОЙ

Якка тартибдаги гаражлар ўрнида ташкил этиладиган автомобиль тўхташ жойида, якка тартибдаги гаражларни бузиб ташланган шахсларнинг автомобиль қўйиши учун доимий равишда бепул жой бириктирилиб берилиши мумкин.

Бу тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 июлдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган «Автомобилотransпорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом»да белгиланган. Автомобилотransпорт воситаларининг эгаларига доимий бириктирилган вақтинча сақлаш жойларида автомобилотransпорт воситаси эгасининг уй манзили ва автомобилотransпорт воситасининг давлат тартиб рақами ёзилган табличка ўрнатилган бўлиши керак.

«ИЧАВЕРИНГ, ДАДАСИ!»

Қосим якшанба куні бўлишига қарамай кўчага чиқиб учун таррадуд кўрарди. Ҳар доимгидек, эрта тонгдан аёлига зарда қила бошлади:

– Нилу! Нилуфар, дедим!

– Ҳа, дадаси, тинчликми? Яна улфатларингиз билан отамлашгани кетяпсизми? – сўради Нилуфар қизиқиб.

– Топдинг! Бўлди, гапни кўпайтирмай қолган пулимни олиб чиқ! Бугун бир хуморим босилсин, – деди Қосим илжайиб.

Нилуфар билади: ҳар кун бир мартаба бўкиб ичмаса, эрининг кўнгли жойига тушмайди. Ҳар сафар унинг бу одатига қарши чиқмоққа уринган Нилуфар бу ишнинг бефойда эканини билиб, эрининг айтганини бажо келтирди.

– Ҳа, бўларкан-ку! Ҳар доим шунақа индамасдан айтганимни қилсанг, қандай яхшисан-а, хотин!

– Энди ичиб келиб, кечгача ухлаб ётишингизга қаршилигим йўқ! Истаганингизча ичиб юраверинг, – деди Нилуфар кўзгу қаршига ўтириб олиб сочларини тўғриллар экан. – Иложи бўлса, ичиб келиб эрталабгача мириқиб ухланг, дадаси!

«Қизик, – ўйлади Қосим ичиди. – Ойнага қараб бунча ўзига оро бермаса бу?! Тагин мен ичиб келиб, ўзимда бўлмай ётган вақтда биронтаси билан...»

Қосим Нилуфарнинг олдига яқинроқ келиб, унга синчков назар ташлади. Чўнтагидаги пул-



ларини стол устига қўйди-да, деди:

– Онаси, шу пулга чиқиб рўзгор қилиб қира қолай!

– Ҳа тинчликми? Бориб тўйиб-тўйиб ичмайсизми, дадаси?

– Йўқ! Осонликча жон берадиган аҳмоқ йўқ! Бугундан бошлаб ичмаганим бўлсин!

Ишлаган хунари иш берганини кўрган Нилуфар аста қулиб қўйди ва энди эрининг бошқа ичмаслигига тўлиқ ишонч ҳосил қилди...

Шерзод ҲАЙДАРБЕКОВ

ЖАВОҲИР

Матназар АБДУЛҲАКИМ



*Не-не ноз-неъматни ичибман, ебман,
Бун бахт билишни кўрмабман эп ман.
Ташна қатра кўрмиш, олса – дур. «Эй воҳ,
Мен сени бир қатра сувмикан дебман...»*

*Бир-бирига менгзар дур билан қатра
Дунё бахт билан вақт жангидир.
Дур – қатрадан қолган хотира
Эзуликнинг умри – мангудир.*

ИНТЕЛЛЕКТ

Хат ташувчи жонзот

Хат ташувчи жонзотлар дейилганда ҳаёлимизга дарров қаптарлар келади. Лекин бу кушлар тинч ҳудудлардагина парвоз қилишади. Дахшатли тўфонлар гирдобидаги уруш ўчоғидан хат жўнатишда қаптардан фойдаланиш яхши самара бермайди.

Савол:

Бундай вазиятда (уруш майдонидан хат жўнатишда) қайси жонзотнинг ёрдамидан фойдаланилган?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куні соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0 (371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

24-сондаги саволнинг жавоби қуйидагича:

1918 йил Тошкентда Ўрта Осиёдаги илк олий ўқув юрти — Муслмон халқ дорилфунуни ташкил этилган. Кейинчалик у Ўрта Осиё давлат университети, Тошкент давлат университети номини олган. Ҳозирда ушбу даргоҳ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб юритилади.

МОҲИЯТ

Соҳилдан қараганда, денгиз чиройли. Денгиздан қараганда эса соҳил гўзалдир.

*** (дания халқ мақоли)

Сукут сақлаб ҳам хато қилиш мумкин.

*** (инглиз халқ мақоли)

Ўйламай гапириш — мўлжалга олмай ўқ узишдир.

*** (испан халқ мақоли)

Нима ўқиганингни эмас, нима ўққанингни сўзла.

*** (тожик халқ мақоли)

ПАЗАНДАЛИК

Димлама

Керакли масалликлар:

700 грамм мол гўшти, 200 грамм думба, 600 грамм картошка, 350 грамм пиёз, ўртача қатталикдаги қарамнинг ярми, 4 дона помидор, 5 дона булғор қалампери, 4 дона қизил сабзи, 2 бош саримсоқ, 1 боғдан кўкатлар (петрушка, кашнич, селёр), зирворлар.



Тайёрланиши:

Картошка, пиёз, сабзи ва саримсоқ арчиблиб, бироз сувга солиб қўйилади. Қарам бўлақларга бўлиниб, орасига туз сепилади. Думба ўртача юпқаликда паррак қилиб кесилади. Гўшт керакли қатталикда бўлақларга бўлинади.

Бироз қизган қозон тагига думба бўлақлари териб чиқилади. Устига гўшт солинади ва унга туз, зирворлар сепилади. Кейинги қатламга тўғралган пиёз, сабзи, саримсоқ бўлақлари солинади. Устига бўлинган картошка солинади. Картошка устига озгина туз сепилиб, тўғралган помидор ва булғор қалампери, унинг устига қарам бўлақлари солинади.

Охириги қатламга барча ювиб, тозаланган кўкатлар бутунлигича териб чиқилади ва яна туз сепилади. Ва ниҳоят, қозон усти ёпилади ва икки соат давомда ўртача оловда димланади.

Ёқимли иштаха!

ТАБАССУМ

Қаери сайёз?

Икки улфат қўл бўйида гаплашиб ўтиришса, қиммат машинада бир бой қилиб дебди:

– Йигитлар, машинада нариги қирғоққа ўтиб кетмоқчи бўляпман. Айтолмайсизларми, қўлинг қаери сайёз?

Шунда йигитлар қўлинг бир четига ишора қилиб:

– Мана бу ердан ўтсангиз бўлади, – дейишди.

Бой машинасини қўлга буриб ҳайдабди-ю, машина шу заҳоти чўкиб кетибди. Сувдан бир амаллаб сузиб чиққан бой:

– Сайёз дегандиларингку!.. – деса, ҳаличи йигитлар ҳайрон бўлиб:

– Ҳозиргина шу ердан бир гала ўрдақлар ўтиб кетишганди-да... – дермиш.

ЭЪЛОН

Турдиева Клара Карабаевнага тегишли Тошкент шаҳар Яшновоб тумани, Қорасув бўйи кўчаси 116-уйнинг кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент педагогика коллежи томонидан 2004 йилда Мухамедова Муниса Таировнага берилган К 005476 рақамли диплом (рег. рақами: 591) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЎзДЖТУ томонидан 2004 йилда Зубкова Мария Павловнага берилган В № 128067 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Республика касб-хунар лицейи томонидан 1997 йилда Ашурова Шахло Хамитжановна номига берилган рўйхат рақами № 630 бўлган УВС № 020079 рақамли шаҳодатнома (яқиний ўзлаштириш баҳолари кўчирмаси билан бирга) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

OILA
DAVRASIDA
Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти» масъулияти чекланган жамияти

Бош муҳаррир
Хусниддин БЕРДИЕВ

МУАССИСЛАР:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик компанияси;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанко»; «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компютерерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материаллардан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонада чоп этилди.
Босма хона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Танзила Норбоева, Қаҳрамон Қуронбоев, Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Мухаммадjon Қуронов

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Наибитчи — Г. Бобожонов
Саҳифаловчи — Х. Файзуллаев

Буюртма: 1-637 ISSN 2181-6190 Община индекси — 193
Алдак: 2959 нуска. Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳақми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.
Чоп этишга топширилди: 19:00



17 156